

Шайх Муҳаммад Содиқ Муҳаммад Юсуф масжидига янги имом ноиб тайинланди



15:30 / 10.01.2020 11668

Шайх Муҳаммад Содиқ Муҳаммад Юсуф жоме масжидига янги имом-ноиб тайинланди. Ушбу масжидга фазилатли шайх ҳазратларининг шогирдлари, ҳофизи Каломуллоҳ Ҳасанхон Яҳё Абдулмажид масжид имом ноиби вазифасига тайинланди.



ISLOM.UZ







Ҳасанхон Яҳё Абдулмажид 1981 йил 12 январда Андижон шаҳрида таваллуд топган. 13 ёшида Қуръони каримни тўлиқ ёд олган.

2005 йил Саудия Арабистони Қироллиги Маккаи Мукаррама шаҳрида ўтказилган халқаро Қуръон мусобақасида қатнашган. 2009 йил Ўзбекистон Муслмонлари идораси томонидан ўтказилган 19-Қуръон мусобақасининг Республика босқичида биринчи ўринни эгаллаган.

2008-2012 йил имом Бухорий номидаги Тошкент Ислом институтини тамомлаган.

2012-2014 йил Тошкент шаҳар Олмазор тумани «Тўхтабой» жоме масжидида имом ноиб бўлиб фаолият юритган.

2013-2016 йиллар оралиғида Тошкент давлат Шарқшунослик институти жаҳон сиёсати, тарих ва фалсафа факультетида таҳсил олди.

2018-2020 йилда Халқаро ислом академияси II-босқич магистри.

2016-2019 йилда эса Тошкент шаҳар Яшнобод тумани «Ислом ота» жоме масжидида имом ноиб бўлиб ишлади.





Кейинчалик Тошкент шаҳар Олмазор тумани «Аҳмаджон қори» жоме масжидида ушбу лавозимда ўз фаолиятини давом эттирди.


Бундан ташқари Ҳасанхон Яҳё «Навойдан чу топқайлар навое» (Ҳусайнхон қори билан ҳаммуаллифликда), «Йўл ҳаракати фикҳи», «Мавлид» Ҳасан ибн Жаъфар Барзанжийнинг «Иқдул-жавҳар фи мавлидун-Набиййил-Азҳар» номли асарига ўзбек тилида шарҳ, «Хатми Қуръонга марҳабо!» китоблари, «Қуръон тартили» ва «Иқроъ» дарслиги (китоб, видео шаклида) муаллифидир. Тўққизта ҳадис тўпламини ўз ичига олган «Олтин силсила» мажмуаси таржимони ва муҳаррирлардан бири ҳисобланади. У Имом Нававийнинг «Арбаъин» асарини ўзбек тилига таржима қилган. «Муаллим» номли намоз ўқишни ўргатувчи дастур тузган. Ўлкадаги яқин ўтмишда ўтган устоз қориларнинг қироатларини нашр қилишга бағишланган «Сўнмас садолар» туркуми асосчиси. 30 жузлик Қуръони карим қироати аудио диски чиқарилган. Айти пайтда ҳам бир қатор янги асарлар яратиш устида иш олиб бормоқда.

САЙИД ЖАЪФАР ИБН
ҲАСАН БАРЗАНЖИЙ



Мавлид

ҲАСАНҲОН ЯҲЁ АБДУЛМАЖИД
ТАРЖИМАСИ ВА ШАРҲИ



Ҳасанхон Яхё ўнлаб илмий ва оммабоп мақолалар муаллифи. У Маданият ва маърифат телеканали орқали узатилаётган «Қуръони Каримни ўрганамиз» кўрсатувини олиб борган.

Ҳасанхон қори имом Осимнинг икки ривояти бўйича ижоза олган. Имом Бухорийнинг «Саҳиҳ»и, имом Муслимнинг «Саҳиҳ»и, Ибн Жазарийнинг «Муқаддиматут-тажвид» китоби, имом Нававийнинг «Арбаъин» асари, имом Байқунийнинг ҳадис илми истилоҳларига бағишланган «Байқуния» манзумасидан устозлардан таълим олиб, махсус ижозага эга бўлган. Шунингдек, қўлэмаларни ўрганиш бўйича Истанбулда бўлиб ўтган халқаро курсда ўқиб, махсус сертификат олган. Қироат илмлари ва ижтимоий-диний мавзуларда қатор илмий-оммабоп мақолалар муаллифидир.

2018 йил ўтказилган Ўзбекистон мусулмонлар идораси қошидаги Ўзбекистон Қуръон мусобақаси ташкилий ишлар ҳайъати раиси ўринбосари, бош ҳакам вазифасида хизмат қилган.





Ҳозирда турли диний тадбирларда даъват иши билан шуғулланиб келмоқда.

Ҳасанхон Яҳё Абдулмажид қорини ушбу шарафли вазифада, халқимизнинг диний-маърифий эҳтиёжини таъминлаш йўлидаги фаолиятида Аллоҳ таолодан куч-қувват сўраймиз. Масъулиятли мартабани Ҳақ таоло муборак айласин!

Islom.uz портали таҳририяти